



МУНОСАБАТ

АБАДИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон – Озарбайжон: ишонч, имконият ва умумий келажак сари

Давлатлараро муносабатларда шундай паллалар бўладики, бир ташриф ёки бир ҳужжат йиллар давомида шаклланган жараённинг мазмунини бир нуқтада намоён этади. Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга 23–24 август кунлари амалга оширган давлат ташрифи ана шундай тарихий воқеалар сирасига киради. Чунки бугун Тошкентда муҳокама қилинаётган масала фақат икки қардош давлат ўртасидаги яхши муносабатларни яна бир бор намоён этиш эмас. Гап ўзаро ишончни мустаҳкам сиёсий таянчга, қардошликни амалий ҳамкорликка, стратегик шерикликни эса икки халқнинг узоқ муддатли тарақиёт мақсадларига хизмат қиладиган кучли муносабатлар тизимига айлантириш ҳақида бормоқда.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг очиқ, прагматик ва ўзаро манфаатга асосланган ташқи сиёсат стратегиясида дунё давлатлари билан ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш алоҳида ўрин тутди. Марказий Осиё мамлакатлари, Туркий дунё, Осиё ва Европа давлатлари билан муносабатларни янги мазмун билан бойитишга қаратилган ана шу сиёсий курс

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Озарбайжон билан муносабатлар эса ушбу сиёсатнинг энг сермазмун ва натижадор йўналишларидан бири сифатида кўзга ташланади.

Бу яқинликнинг табиий асоси бор. Ўзбек ва озарбайжон халқлари бир-бирини қардош деб билади. Уларни умумий тарихий хотира, туркий маданий макон, адабиёт ва санъат, оилавий ва маънавий қадриятлар бирлаш-

тиради. Бироқ замонавий дипломатияда қардошликнинг ўзи етарли эмас. Уни давлат сиёсати, иқтисодий кооперация, таълим, маданият ва инсон капиталига таяниб янада мустаҳкамлаб бориш жоиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон айнан шу тамойил асосида ҳаракат қилмоқда.

2022 йилда стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисида декларациянинг қабул қилиниши, 2023 йилда Олий

давлатлараро кенгашининг ташкил этилиши муносабатларнинг янги институционал пойдеворини яратди. 2026 йил 23 август кунли Тошкентда ушбу Кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилиши эса олий даражадаги мулоқот мунтазам ва тизимли тус олганини кўрсатди. Президент Шавкат Мирзиёев бу ташрифи тарихий воқеа, стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг ҳар бир бандини аниқ натижа ҳамда амалий ҳаракатларга айланти-

риш зарурлигини таъкидлади. Бу — бугунги Ўзбекистон дипломатиясининг муҳим мезони: келишувнинг қадри унинг ихроси билан ўлчанади.

Ташрифнинг сиёсий марказида эса икки давлат раҳбарлари имзолаган “Абадий дўстлик тўғрисида”ги шартнома турибди. Зеро, дўстликни “абадий” деб аташ — уни тарихий ҳис-туйғу сифатида эмас, келажак авлодлар олдида ҳам сиёсий ва маънавий масъулият сифатида қабул қилиш демакдир. Шу ҳақдан шартнома бугунги муносабатларни қайд этибгина қолмай, уларнинг эртанги архитектураси учун ҳам сиёсий мезон вазифасини белгилайди.

Муносабатларнинг чинакам кучи эса имзолардан кейин бошланади. Маданият ва туризм соҳаларидаги келишувлар, ташқи ишлар ва адлия идораларининг янги ҳамкорлик дастурлари, 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури, инвестиция ва савдо келишувларини амалга ошириш режалари — буларнинг барчаси “дўстлик” тушунчасига амалий мазмун бермоқда. Урганч-Хонкенди, Бухоро-Лочин ва Урганч-Наҳчивон шаҳарлари ўртасидаги биродарлик алоқаларининг йўлга қўйилиши давлатлараро яқинликнинг ҳудудлар даражасида ҳам мустаҳкамланаётганидан далолат.

2-6

ШУКУҲ

Фарида АФРЎЗ

Шукроналик ЯНГИ НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭШИГИНИ ОЧАДИ



Инсон умрида шундай қалит борки, у ҳеч қандай темирдан ясалмаган. Унинг товуши, ранги йўқ. Аммо у очмайдиған эшик ҳам йўқ. Бу қалитнинг номи — шукроналик.

Кўпчилик неъмат келса, шукур қиламан, деб ўйлайди. Мен эса ҳаётдан бошқачароқ бир ҳақиқатни ўргандим. Аввал шукур келади, кейин неъмат. Чунки шукроналик — неъматнинг тонгидир.

Мен умрим давомида бойликнинг ҳам, камчиликнинг ҳам, шодликнинг ҳам, дарднинг ҳам остидан ўтдим. Ҳар сафар ҳаёт менга бир ҳақиқатни қайта-қайта ўргатди: нолиб яшаган инсоннинг кўзида ҳатто кўёш ҳам шам бўлиб кўринади.

Шукур билан яшаган инсон эса битта юлдуздан ҳам осмон топади.

Шукроналик — қалбни бойи-тади.

Қалб бойиган жойга эса Яратган янги неъматларни юборишдан аямайди.

Чунки бўш идиш эмас, миннатдор қалб баракани сиғдира олади.

Баъзан мен даракларга узоқ тикилиб қоламан. Улар ҳеч қачон меваси ёки илдизи билан мактанмайди. Улар фақат осмонга қараб ўсади.

Шукроналик ҳам худди шундай. У инсоннинг нигоҳини ердан осмонга қўтаради.

Менимча, халқларнинг тақдири ҳам бир инсон тақдиридан фарқ қилмайди.

Неъматнинг қадрига етган миллатнинггина келажакки ёруғ бўлади. Шукроналикни қалбига жойлаган юртнинг фарзандлари умид билан яшади.

Шу маънода мустақиллик ҳам бизга берилган энг улуғ неъматлардан биридир.

7-6

ИМКОНИАТ

“USTOZ AI” — ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАР МАЙДОНИ

Бир пайтлар касб танлашда “Қайси соҳада иш ва имконият кўп?” деган саволнинг ўзи етарли эди. Бугун эса унинг ёнига яна бири қўшилди: “Бу касб беш йилдан кейин қандай кўринишда бўлади?” Технологиялар меҳнат бозорини жадал ўзгартираётган экан, кеча қўшимча устунлик саналган қўшимка бугун зарур талабга айланмоқда. Шу боис бугун гап фақат касб танлашда эмас, балки ўзгаришга мослаша оладиган мутахассис бўлишдадир.

Ёшлар ҳаётига назар ташласак, кимдир китоб излайди, кимдир хорижий тил ўрганади, яна кимдир бизнес бошлаш ёки замонавий касб эгаллашга уринади. Бу эҳтиёжларнинг шакли турлича, аммо замиридаги савол бир: ўзгариётган дунёда ўз ўрнини қандай топаман?

Ёшлар ишлари агентлиги тизимида кейинги йилларда шаклланган лойиҳалар ҳам айнан шу саволга жавоб излашга қаратилган. “Mutolaa” — китобхонликни янги авлоднинг кундалик ҳаётига яқинлаштиришга, “Ibrat farzandlari” — хорижий тилларни ўрганиш имкониятларини кенгайтиришга, “UzCombinator” — ёшларнинг стартап гояларини бизнесга айлантиришга йўл очишга хизмат қилмоқда. “Ustoz AI” эса ёшларнинг замонавий касблар ва амалий кўникмаларга бўлган эҳтиёжига жавоб берадиган рақамли таълим лойиҳаси сифатида майдонга чиқди.

Бу лойиҳаларга шунчаки алоҳида ташаббуслар деб қараш қийин. Чунки уларнинг ортида Ўзбекистоннинг демографик манзараси ва меҳнат бозоридаги ўзгаришлар турибди. Олий таълим имкониятларининг кенгайиши табиий равишда меҳнат бозорига кириб келаётган малакали ёшлар сонининг ҳам ортисини аниқлатади. Шу сабабли таълим тизими олдидаги навбатдаги вазифа — ёшларга нафақат диплом бериш, балки уларни меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тайёрлашдан иборат.

4-6

ШУНДАЙ ДЕДИ



Улуғбек ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими

“ МАКТАБ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ!

Айрим мактабларда стадионларга қўшимча бино қуриб юборишмоқда. Мен айтяйман: “Сен футбол ўйнамаганмисан, мактабда ўқимаганмисан? Қандай қилиб стадионни йўқ қилиб юбоясан?”

Футбол бу — жудаям керак! Ҳаммамиз футбол ўйнаб катта бўлганмиз. Ўқувчилар таътилдан келса, қарасаки, стадион йўқ. Шунинг йўқ қилгандан кейин ҳамма (болалар — тах.) телефон ўйнайди-да, нима қилади? Мактаб билан бирортангиз ҳазиллашманг, мактаб жуда улуғ даргоҳ!”

Манба: @Suxondaryo_Sadosi телеграм канали

ФАОЛИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ТУРКИЯНИНГ ЕТАКЧИ МЕДИА ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Туркиянинг тарихий ва гўзал шаҳарларидан бири – Балькесирда “Маданият йўналишидан рақамли келажакка: маданиятлар, медиа ва сунъий интеллект” мавзусида ўтказилган халқаро медиафорум доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Туркия медиа тузилмалари вакиллари иштирокида мазмунли мулоқотлар бўлиб ўтди.



Учрашуларда икки мамлакат журналистика соҳасининг бугунги ҳолати, замонавий медиа муҳитида юзага келаятган янги имконият ва чақириклар, журналистлар ўртасида профессионал алоқаларни кенгайтириш, тажриба алмашиш ҳамда қўшма медиаойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотларнинг муҳим натижаси — Ўзбекистон ва Туркия медиа тузилмалари ўртасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланганидир. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси Шухрат Орипов, Туркия Журналистлар федерацияси раиси Йилмаз Каража ва Туркия Интернет Медиа Бирлиги бошқаруви раиси Сулаймон Баса томонидан имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат журналистлари ва медиа ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни тизимли ва амалий асосда ривожлантириш учун муҳим қадам бўлди.

Туркия Журналистлар федерацияси билан ҳамкорлик журналистлар делегациялари алмашинуви, маҳаллий матбуотни ривожлантириш тажрибасини ўрганиш, рақамли журналистика, сунъий интеллект ва медиасаводхонлик бўйича қўшма семинарлар ташкил этиш, журналистлар малакасини ошириш ҳамда халқаро медиафорумлар ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркия журналистлари ўртасида профессионал тармоқни кенгайтириш масаласи ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Маълумот учун айтиш керакки, Туркия Журналистлар федерацияси 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, журналистларнинг қасбий манфаатларини ҳимоя қилиш, матбуот ва сўз эркинлиги масалаларида журналистик ҳамжамиятнинг умумий позициясини ифода этиш, маҳаллий ва минтақавий матбуотни қўллаб-қувватлаш ҳамда профессионал ҳамкорликни кучайтириш йўналишларида фаолият юритади. Федерация Туркиянинг 81 та ҳудудидаги журналистлар уюшмаларини ўзда бирлаштиради.

Туркия Интернет Медиа Бирлиги (TİMİR) билан имзоланган ҳамкорлик меморандуми эса ушбу жараённинг рақамли медиа йўналишини янада бойитиши. Мазкур ташкилот интернет журналистикаси, рақамли медиа ва онлайн ахборот платформаларини бирлаштирувчи халқаро мақомдаги профессионал медиа ташкилот бўлиб, унинг тармоғи Туркия ва дунёнинг 25 мамлакатидagi ҳамкорлик алоқаларини қамраб олади.

4-6



ОЛМАЛИҚ ДАВЛАТ ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз —

мустақиллигимизнинг қутлуғ 35 йиллиги билан муборакбод этади.

Ватанимиз фаровонлиги, гўзаллиги, тараққиёти, халқаро нуфузи янада юксалаверсин. Азиз ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, меҳнат фаолиятида омад ва муваффақият тилаймиз.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда табиий бойликларни ўзлаштириш учун йирик инвестицияларни жалб этиш, тоғ-кон саноати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Қувончлиси, институтимиз жамоаси дунёдаги илғор тажрибалар, дуал таълим дастурларига мувофиқ шарафли вазифаларни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мустақиллик шодиёнаси қутлуғ бўлсин!



Қорақалпоғистон тиббиёт институти жамоаси

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги билан барча ватандошларимизни муборакбод этади.

Истиқлол, ҳурлик саодати, миллий давлатчилигимиз қайта тикланган ва шу боисдан жаҳонаро она юртимиз Мустақил мамлакат сифатида бўй кўрсатган қутлуг сана барча-барчага муборак бўлсин!

Мамлакатимизда олиб борилаётган тарихий ўзгаришлар, айниқса, олий таълим соҳасидаги изчил ислохотлар туфайли ёшлар қўллаб-қувватланиб,

уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шубҳа йўқки, бугун таълим олаётган, камолга етаётган ёшларимиз — Янги Ўзбекистоннинг ишончли эгаларидир.

Юртимиз бўйлаб кезиб юрган байрам шукуҳида барча азиз устозларга, талаба-ёшларга туганмас куч-ғайрат, бахт ва омад тилаймиз.

Жонажон Ватанимиздаги ҳар бир хонадондан файзу барака, тинчлик-осойишталик сира аримасин!

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!

35
yil



МУТОЛАА

Миллий адабиётимизнинг энг дурдона асарларидан бири — Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи 1920 йиллар бошида ёзилган бўлиб, илк боблари 1922 йилда “Инкилоб” журналарида чоп этила бошланган. Баъзи манбаларда қайд этилишича, роман бир бутун китоб ҳолида 1926 йилда дунё юзини кўрган. Демак, миллионлаб адабиёт ихлосмандларининг қалбини забт этган “Ўткан кунлар” романи тўлиқ чоп этилганига роппа-роса бир аср тўлди! Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” тарихий романи “Ўткан кунлар”нинг мантикий давоми тариқасида яратилгани ана шу қутлуг санага муносиб туҳфа бўлди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг “Ўткан кунлардан ялдо тунигача” деб номланган монографияси ана шу икки тарихий асар таҳлилига, уларнинг маънавий-маърифий аҳамиятини ёритишга қаратилган.

Адабиётшунос олим мазкур романларни таҳлил этар экан, шундай фикрни илгари суради: “Адабиёт муайян миллий тилда яратилади ва ўша миллиятнинг ўлмас руҳиятини ифодалайди. Буёунги глобаллашув жараёнлари, оммавий маданият-сизлик эпидемияси оч аждаҳо янглиг ана шу руҳиятни қомига тортаётгани сир эмас. Миллатни ўзлигидан махрум этиш, унинг маънавий ил-дизларини қуритиш, унга хос юксак ахлоқни емириш, миллий тилни фасоҳат ва балоғатдан махрум этиш — бу аждаҳонинг асосий мақсади ана шулар экани аён. Таассуфлар бўлсинки, бунга муайян даражада эриш-шаётир ҳам. Ана шундай тахликали жараёнда миллий тилнинг бутун жозибасини, бетакрор ифода имкониятларини, латифатини ўзида му-жассам қилган “Ўткан кунлар” ва “Ялдо кечаси” сингари асарларга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сезилмоқда”.

Шу ўринда 1991 йилда телевидениеда атоқли адиб Хайридин Султон сценарийси асосида намойиш этилган “Мозийдан бир саҳифа” видеофильмини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Миллионлаб мухлислар қалбини ларзага солган бу видеофильмда

Абдулла Қодирийни бўйи-баста билан кўргандек бўласиз. Асарнинг асосий қисмида буюк адибга қилинган туҳматлар, тажовузлар, ҳатто бола-чақасига зуғумлар гоё таъсирли кўрсатилган. Буюк адиб ҳаётининг мудҳиш ва аянчли онлари, уқубатли дамлардаги руҳий олами томошабин вужудини титратиб юборади. Айтиш жоизки, “Ўткан кунлар” ва “Ялдо кечаси” асарлари ўртасида “Мозийдан бир саҳифа” сценарийси бамисоли

Монографиянинг “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси” бобидан ўрин олган “Миллий рух — юксак мезон”, “Миллат ахлоқининг бадий талқини”, “Миллат иродаси тасвири”, “Романда миллат эътиқодининг ёритилиши” сарлавҳали фаслларида мазкур романнинг мазмун-моҳияти теран таҳлил этилган.

Муаллиф қайд этишича, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида, буюк адиб таъбири билан айтганда,

лаш керакки, миллий рух ифода этилгани асарнинг умумбаشارий аҳамиятини зинҳор пасайтирмайди, аксинча, жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлиш имконини янада оширади. Шунга кўра, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий рух ифодаси нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарур. Бу йўналишдаги тадқиқотлар муайян миллат адабий-эстетик тафаккурининг бошқа ҳеч бир халқ адабиётида

раккаб ва зиддиятли бир замонда Ватан ва миллатни истибоддисканжасидан озод этиш йўлидаги жаҳидчилик ҳаракатининг бекиёс ифодаси бўлган “Ўткан кунлар”дек асарни ёзишга йўналтирган ҳаётбахш гоё ҳақида мухтасар фикрларини баён этади. Монографияда муаллиф қайд этганидек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султон кўнглини муттасил ўртаган, олти йилдан зиёд вақт давомида Ватан ва миллат бошига тушган қарийб

хиятида қандай кечган бўлса, унга уйғун равишда битилган “Ялдо кечаси” муаллифи Хайридин Султон қалбини ҳам бирдек ўртаганни англаш мушкул эмас. Фақат Хайридин ака кўпроқ ҳаёт ҳақиқатини реал акс эттиришга ҳаракат қилади. Юксак бадий маҳорат билан битилган “Ялдо кечаси”да ҳар бир қаҳрамонни бор бўй-баста билан кўриш мумкин. Умумий тарзда эса собиқ мустабид тузум халқимиз

“ЎТКАН КУНЛАРдан ЯЛДО ТУНИгача”



“олтин кўприк” вазифасини ўтайди. Асар қаҳрамони бўлмиш Абдулла Қодирий қалбида армон бўлиб қолган гаплар, мавзулар “Ялдо кечаси” тарихий романида ўз аксини топганини англаб етасиз. Адиб кўп йиллар мобайнида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган киномаҳсулотлар яратиш йўлида анча-мунча ишларни амалга оширгани яхши маълум. Энди “Мозийдан бир саҳифа” сингари “Ялдо кечаси” тарихий романи асосида ҳам кўп серияли видеофильм яратиш мақсадга мувофиқдир. “Ялдо кечаси” тарихий романи — фалсафий, маърифий асар. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, бу асарни муаллиф Хайридин Султон “буюк Қодирий номидан, Қодирий бўлиб ёзди; қаттол замон Қодирийнинг кўлини кишанлаб, унга ёзиш учун имкон бермагани боис фозил издош ва увайс шоғирд сифатида ёзди. Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган фантастик бир орзуни рўёбга чиқарди. Бу асар янги замон ўзбек адабиётида тамомла кашфиёт деса арзишарди...” Фильм дебодчаси мана шу сатрлар билан бошланиши (ва шунга яраша саҳна кўриниши берилиши) мақсадга мувофиқдир.

тарихимизнинг энг қора, қирли кунлари — она Туркистоннинг мустамлака арасидаги мураккаб ва зиддиятли кечмиши тасвирланган бўлса, Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” тарихий романида аждодларимизнинг аввал Чор Россияси, кейин эса шўролар истибодига қарши мардона кураши, Ватан ва миллатни дунёнинг мутараққий давлатлари ва халқлари даражасига юксалтириш йўлидаги мужодаласи, ҳуррият йўлида қатағон қурбони бўлган жаҳидлар бошига тушган адоқсиз кўргилиқлар кенг эпик кўламда талқин этилган. Монографияда мазкур икки асарда миллат ва миллият туйғуси қайси усуллар асосида ифодалангани таҳлил қилинган. “Моҳиятган умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифода-лайди, — деб ёзади муаллиф. — Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосуво тафаккур ҳам қанотсиз қушга менг-залади. Шунга кўра, миллийлик — адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадий-эстетик тафаккури кўригида ўзбек адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намоён этадиган асосий белги бу — миллий руҳдир. Таъкид-

учрамайдиган ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, адабий жараёнга татбиқ этиш ва ривожлантириш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир. XX аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асарлардан бири, таъкидлаш мумкинки, ҳатто биринчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидир.

Монографиянинг иккинчи боби “Ялдо кечаси” — миллат ва миллият китоби” деб номланиб, унинг “Асл асарнинг тўғилиши”, “Ўткан кунлар”нинг давоми”, “Миллатнинг метин иродаси”, “Миллат ва миллият ифодасида конфликтнинг ўрни”, “Миллат эътиқодининг бадий сувратланиши”, “Ахлоқ — миллат таянчи” сарлавҳали фаслларида янги асар яратилиши жараёнлари теран таҳлил этилган. Бунда муаллиф Маҳмуд Қошга-рийнинг “Девону луготит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадуғ билиг”дек қомусий асарларни ёзиш, юртма-юрт кезиб, сўз дурдоналарини йиғиш йўлида чеккан заҳматлари, буюк Алишер Навоий кўнглига она тил учун қуйиниш ҳиссини, миллатнинг шаъну шарафи ва ору номусини ҳимоя қилишдек улуғ ниятни солган миллат ва миллият руҳи ҳақида таҳлилий фикрини баён этар экан, Абдулла Қодирийни ҳам му-

бир ярим асрлик мустамлака зулматига доир архив ҳужжатларининг, кўҳна кўлэмалар ва жаҳид матбуоти намуналарининг чангини ютишдек машаққатни, ижоднинг ададсиз меҳнату заҳматларини ҳузур деб билишига боис бўлган, миллатнинг ўлмас руҳия-тини юксак бадият билан ифодалаган “Ялдо кечаси” тарихий романини ёзишда куч-қувват, илҳом ва завқу шавқ берган ҳам миллат ва миллият туйғусидир.

Биз “Ўткан кунлар” романини мактабда ўқиб юрган кезларимиздаёқ ҳаяжон билан ўқиганмиз. Талабалик давримизда яна иштиёқ билан мутлолаа қилдик. Ёшимиз бир жойга етган кезларда такроран ўқиганда шунга амин бўлдики, бу асарни варақлаганингиз сари янги-янги фалсафий фикрларни кашф этаверар экансиз. Бу романи ҳар гал мутлолаа қилганда, “туғаб қол-маса эди...” деган хавотирли бир ўй ҳукм сурарди. Энди ана шу “хавотир”га ўрин қолмади, яъни ҳажман анча салмоқли асар — “Ялдо кечаси” тарихий романи бизни Отабек ва бошқа қаҳрамонларнинг авлодлари ҳаёти, кечмишига ошно этади.

Асарни мутлолаа қилиш асосида айнан ўша аянчли, маҳзун ҳоллар ўз даврида Абдулла Қодирий ру-

бошига нечоғлиқ аянчли кунларни солганини яққол ҳис этасиз.

Адабиётшунос олим Нурбой Жабборовнинг “Ўткан кунлардан ялдо тунигача” деб номланган монографияси халқона “туғанч” сўзи билан хотима топади. Унда муаллиф шундай хулосага келади: “Ижодкорларнинг янги авлоди бу икки асарни мутлолаа этар экан, она тилимиз сўз бойлиги ва ифода имкониятларидан, халқимиз нутқидаги қўйма иборалардан, буюк саллаф ва замондош шоир адиблар асарларидаги жозиб ҳикматлардан ўринли ва самарали фойдаланиш усулларини ўрганадилар. Она тилимиз ривожига салбий таъсир кўрсатадиган, ўзга тиллар қоплида фикрлаш ва ёзишдек номақбул эпидемия яшин тезлигида тарқалаётган буёунги кунда аини усулларни эгаллашнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир”.

“Саҳхоф” нашриётида чиройли муқовада чоп этилган мазкур монографияга академик Шухрат Сирожиiddинов ва Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид масъул муҳаррирлик қилган.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

ҚУТЛОВ

Biznesni Rivojlantirish Banki

O'zbekiston mustaqilligining

35 yilligi

muborak bo'lsin!

brb.uz **1254**

МУБОРАК КАЛОМЛАР

Ёнида пули бўлмаган кишининг қарзга нарса сотиб олгани ҳақида

Жобир розияллоху анху ривоят қиладилар: “Мен Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга ғазотга чиқдим. Шунда туям имиллаб келаётган эди, Жаноб Расулulloх ортимдан етиб келиб: “Туянгни менга сотмайсанми?” – дедилар. Мен рози бўлиб, уни у зотга сотдим. Мадинага етиб келганимизнинг эртасига туяни Жаноб Расулulloхга олиб бордим, у зот менга унинг ҳақини тўладилар”.

Оиша розияллоху анху ривоят қиладилар: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир яхудиан маълум муддатга қарзга таом (арпа) сотиб олдилар-да, темир совутларини унга гаровга қолдирдилар”.

Ҳақ эгасининг айтар гапи ҳақида

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қиладилар: “Бир киши Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг олдига келиб, қарзини сўраб, қўполлик қилди. Шунда саҳобалар унга томон хезланишганди, шунда у зот соллаллоху алайҳи васаллам: “Уни тек қўйинглр, чунки ҳақ эгасининг ўз гапи бўлади”, – дедилар.

Абу Абдуллох Муҳаммад ибн
Исмоил аз-БУХОРИЙнинг
“Саҳиҳи Бухорий” китобидан
олинди.

Hurriyat
Mustaqilligimiz



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 3556
Буюртма — Г-844

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 21⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаххун: Зўҳра Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.